Шадманкулов Анвар Аблакулович,

Божхона қўмитасининг Божхона институти кафедра бошлиғи, и.ф.н., доцент,

Суюнов Абдунор Милтиқбоевич,

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети

Табиий фанлар кафедраси доценти, ф.м.ф.н., доцент,

“ЯШИЛ” ЭНЕРГИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН БОЖХОНАСИ ТАЖРИБАСИ

Аннотация. Ўзбекистон божхоначилари мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, фискал йўналишдаги вазифаларни бажариш билан бирга, 2023-йилдан бошлаб, “Яшил” энергиядан фойдаланишни такомиллаштириш ва назоратини юритиш борасида ҳам зарур ишларни олиб бормоқда. Мақолада ўзбек божхоначилари томонидан юртимизда “Яшил энергиядан” фойдаланишни оммалаштириш ҳамда такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар таҳлили, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ечими юзасидан тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. “Яшил” энергия, қайта тикланувчи энергия, муқобил энергия, божхона, қуёш панели, инвертор, ишчи гуруҳ, гелиоколлектор, имтиёз, юридик ва жисмоний шахслар, шамол электр станцияси.

Аннотация. Помимо обеспечения экономической безопасности страны и выполнения фискальных задач, узбекские таможенники, начиная с 2023 года, также ведут работу по совершенствованию и контролю использования «зелёной» энергии. В статье анализируется работа, проводимая узбекскими таможенниками по популяризации и совершенствованию использования «зеленой энергии» в стране, освещаются существующие в этом плане проблемы и даются рекомендации по их решению.

Ключевые слова: «Зеленая» энергия, возобновляемая энергия, альтернативная энергия, таможня, солнечная панель, инвертор, рабочая группа, солнечный коллектор, льгота, юридические и физические лица, ветровая электростанция.

Abstract. In addition to ensuring the country's economic security and fulfilling fiscal objectives, Uzbek customs officers, starting from 2023, are also engaged in improving and controlling the use of "green" energy. This article analyzes the work carried out by Uzbek customs officers to popularize and enhance the use of "green" energy in the country, highlights the existing challenges in this regard, and provides recommendations for their resolution.

Keywords: “Green” energy, renewable energy, alternative energy, customs, solar panel, inverter, working group, solar collector, privilege, legal entities and individuals, wind power plant.

КИРИШ. Бутун дунёдаги каби фойдали қазилмалар заҳирасини тежаш, уларнинг ўрнига қайта тикланувчи муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш ва оммалаштириш борасида Ўзбекистонда ҳам зарур чоралар кўрилмоқда.

Маълумотларга кўра, 2018 йилга келиб дунёда қайта тикланувчи энергия манбаларининг ўрнатилган умумий қуввати 2006 GVt.ni ташкил этди. Ҳозирги кунда дунёнинг 160 дан ортиқ давлатлари қайта тикланувчи энергетикани ривожлантиришга йўналтирилган махсус қонунлар ёки соҳани ривожлантиришнинг миллий стратегияларини қабул қилган. Улар стратегияларида 2030 йилга қадар умумий энергетика тизимида қайта тикланувчи энергетика салмоғини 50 фоизга етказиш режалаштирилган. Қайта тикланувчи энергетика бугунги кунда йирик иш берувчи соҳага айланган бўлиб, тармоқда 7,7 миллион ишчи ва мутахассис фаолият юритмоқда [1].

Аҳолимизнинг бошқа қатламида божхоначи касби ҳақида маълумотга камроқ эга бўлишади. Ўзбекистон божхоначилари мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, фискал йўналишдаги вазифаларни бажариш билан бирга, 2023 йилдан бошлаб, “Яшил” энергиядан фойдаланишни такомиллаштириш ва назоратини юритиш борасида ҳам зарур ишларни олиб бормоқда. Мақолада ўзбек божхоначилари томонидан юртимизда “Яшил энергиядан” фойдаланишни оммалаштириш ҳамда такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар таҳлили, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси 2018 йилда Париж битимини ратификация қилди ва уни амалга ошириш юзасидан миллий миқёсда белгиланадиган ҳисса бўйича 2030 йилга қадар иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини
2010-йилдаги даражадан 10 фоизга қисқартириш миқдорий мажбуриятини қабул қилди.

Париж битими мажбуриятларини бажариш доирасида иссиқхона газлари ажратмаларини қисқартириш бўйича ўрта муддатли устувор вазифалар мамлакатда иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфи ҳажмини камайтириш, ишлаб чиқаришда энергия тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, Оролбўйида экологик танглик оқибатларини бартараф етишни назарда тутадиган қатор стратегик ва тармоқ режалари, дастурлари, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали амалга оширилмоқда [2].

“Яшил” энергия нима? Қуёш, шамол, сув, шунингдек геотермал ва биомасса каби қайта тикланувчи манбалар орқали ҳосил қилинадиган бундай энергия турлари табиий жараёнлар билан боғлиқ. Умуман, “яшил” энергия нинг асосий афзалликлари ифлослантирувчи чиқиндини камайтириш, табиий ресурсларни тежаш ва барқарор ривожланишга ҳисса қўшиш каби омилларда намоён бўлади [3].

“Яшил” энергия жуда кам ифлосланиш билан ишлатилиши мумкин бўлган табиий энергия жараёнларини ўз ичига олади. Анаэроб ҳазм қилиш, геотермал энергия, шамол энергияси, кичик гидроэнергетика, қуёш энергияси, биомасса энергияси, тўлқинлар энергияси, бу тоифага киради. Баъзи таърифларда, ёндирилиши мумкин бўлган чиқиндилардан олинган қувватни ҳам ўз ичига олади [4].

2023-йилдан бошлаб Ўзбекистонда янги кўп қаватли уйлар қурилишини лойиҳалаштиришда уларнинг томлари бўш қисмининг камида 50 фоизида қуёш панелларини ўрнатиш талабини жорий қилиш, тадбиркорлик субектларини жалб қилган ҳолда кўп қаватли уйларда қуёш панелларини ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш компаниялари ташкил қилинишини таъминлаш каби вазифалар Божхона қўмитасига юклатилган.

ТАҲЛИЛ. Мавзуни тадқиқ етиш жараёнида Ўзбекистон божхона органлари томонидан “Яшил” энергияга оид амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни ретроспектив ва солиштирма ҳамда тизимли ва аналитик таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган. Шунингдек, Ўзбекистон шароитида асосан қуёш нури ва қисман сув ёки шамол каби муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш технологияларини қўллашнинг еволюцион методологияси ёритилди.

Сўнги йилларда ўрнатилган ва мунтазам фаолият кўрсатаётган қуёш панеллари юзасидан божхона ходимлари томонидан аниқланган ва еришилган иқтисодий ва физик кўрсаткичлар тадқиқот доирасида ретроспектив солиштирма усул асосида таҳлил қилинди. Жумладан, “Яшил” энергия ни ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолини кенгайтириш йўналишида босқичма-босқич амалга оширилган ишлар натижалари тизимли ёндашув асосида аналитик таҳлил қилинди.


Ўрнатилган қуёш панеллари ҳисобини юритиш ва улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш, божхона обектларига қуёш панелларини ўрнатиш, қуёш панеллари импортини соддалаштириш, божхона имтиёзларини қўллаш каби йўналишларда Ўзбекистон божхоначилари томонидан амалга оширилган ишлар таҳлили қуйида келтирилмоқда.

Божхона қўмитаси ходимларининг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан муқобил энергия манбаларини ҳудудларда ўрнатилиши ва улар томонидан ишлаб чиқариладиган энергия ни аниқ ва тўлақонли ҳисобини юритишга кўмаклашувчи “Яшил энергия” электрон ахборот тизими ишлаб чиқилди ва 2023 йилда тегишли давлат органига фойдаланиш учун топширилди.

Республикада қуёш панеллари ўрнатилиши ва улар бўйича ҳаққоний маълумотлар юритилишини назорат қилиш учун 1,5 минг нафар божхона ходимларидан иборат ишчи гуруҳлари томонидан “Яшил энергия” ахборот тизими орқали амалга оширилмоқда.

2023-2024 йилларда республика бўйича жами 98 552 та обектга 972 МВт қуёш панеллари ўрнатилиб, белгиланган режа 128 %га бажарилди. Жумладан: ижтимоий соҳа ва давлат идоралари обектларига 296 МВт; кўп қаватли уйларга 17,4 МВт; аҳоли хонадонларига 187 МВт; тадбиркорлик субектлари обектларига 471 МВт қуёш панеллари ўрнатилди (1-расм).

Божхона обектларига қуёш панелларини ўрнатиш йўналишида 59 та божхона обектига 3,0 МВт қуёш панеллари ўрнатилиб, 5300 МВт (2023-йилда 2000 МВт, 2024 йилнинг 11 ойида 3300 МВт) электр энергия си истеъмолидан иқтисод қилинди. Шундан, 4,4 млн кВт/ соат электр энергия эҳтиёжлар учун ишлатилган, 870 минг кВт/соат электр энергия умумий тармоққа узатилган.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг маълумотлари

1-расм. Ўзбекистонда ўрнатилган қуёш панелларининг ҳудудлар бўйича ҳиссаси

Тармоққа узатилган электр энергия бўйича божхона органларини ривожлантириш жамғармасига жами 411 млн сўм ундирилган, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан 133 млн сўм ундириш чоралари кўрилмоқда. Бундан ташқари, 2024-йилнинг октябр-декабр ойларида божхона органларининг 18 та обектларига қўшимча 1009 кВт қуёш панеллари ўрнатилди.


Давлат олийгоҳлари ҳамда профессионал таълим муассасаларига қуёш панеллари ўрнатилиши. Амалга оширилган тадбирлар натижасида 107 та олий таълим муассасаларига 53 МВт қуёш панеллари ўрнатилди. Ўрнатилган қуёш панеллари бўйича шу кунга қадар электр энергия истеъмолидан 55 млрд сўмдан ортиқ бюджет маблағлари иқтисод қилинишига еришилди. Шу билан бирга, олиб борилган тарғиботлар натижасида, режа белгиланмаган 17 та хорижий олий таълим муассасаларига ҳам 1,8 МВт қуёш панеллари ўрнатилиши таъминланди.

Божхона қўмитаси ҳомийлигида Жиззах политехника институтида қуёш панелларини ишлаб чиқариш лойиҳаси асосида Муқобил энергия ларни тадқиқ етиш илмий - амалий маркази ташкил етилди. Бугунги кунда, ушбу марказда 33 та янги ишчи ўринлари яратилган бўлиб, 550 кВт қувватли қуёш панеллари ишлаб чиқарилмоқда.

Бундан ташқари, 208 та техникум, 167 та коллеж ва 330 та касб-ҳунар мактабларига жами 6,6 МВт қуёш панеллари ўрнатилди.

Қуёш панеллари ва инверторлар импорти. Ўзбекистон Республикаси Солиқ ва Божхона кодекслари, Президент ҳужжатлари асосида 2024 йилнинг ўтган даврида импорт

қилинган 2 млн 322 минг дона (275 млн $) қуёш панеллари бўйича 3 млрд сўм, 17 533 дона (41,6 млн $) инверторлар бўйича 49 млрд сўмлик божхона тўловларидан имтиёзлар қўлланилди [3].



Манба: Божхона қўмитасининг маълумотлари

2-расм. 2024 йилда импорт қилинган қуёш панеллари жўнатувчи давлатлар ҳиссаси.

Туркия ва Ўзбекистон божхона хизматлари ўртасида Қўшма кенгашнинг навбатдаги тўртинчи йиғилишида яшил энергия масаласи ҳам муҳокама қилиниб, ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, қуёш панеллари ўрнатган юридик шахсларга ер ва мулк солиғидан имтиёз бериш жараёнини автоматлаштириш мақсадида, Энергетика, Кадастр ва солиқ идоралари маълумотлари базасини “Яшил энергия” платформасига интеграция қилиш ишлари амалга оширилди [4].

Бугунги кунда, республика бўйича ўрнатиладиган қуёш панеллари, гелиоколлекторлар ва мини ГЭСлар бўйича тизимли назоратни амалга ошириш учун Божхона қўмитаси дастурчилари томонидан янги ахборот тизими ишлаб чиқилмоқда.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳри туманларига бириктирилган ишчи гуруҳлар томонидан республика бўйича 2023-2024 йилларда ўрнатилган гелиоколлекторлар жойига чиққан ҳолда ўрганилмоқда. Тошкент шаҳридаги 416 та йирик корхоналарнинг энергия самарадорлиги республика миқёсида тузилган ишчи гуруҳи билан ҳамкорликда ўрганилди.

Ишчи гуруҳга божхона ходимлари ҳам жалб қилиниб, мазкур корхоналарнинг божхона омборларидаги товарларини қисқа муддатда импортга расмийлаштириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий етиш борасидаги ишлар жойига чиққан ҳолда ўрганилмоқда.

ХУЛОСА. “Яшил” энергия дан фойдаланишни ривожлантиришда Ўзбекистон божхонасининг тажрибасини такомиллаштириш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида қуйидагилар тавсия етилади:

“Яшил” энергия дан фойдаланишни оммалаштиришда Ўзбекистон божхонасининг тажрибасидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда бу борада нафақат давлат идоралари билан ҳамкорлик билан чекланиб қолмай балки бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ташаббуслари асосида муқобил энергия дан фойдаланиш қамровини ошириш;

Тошкент шаҳрида муқобил энергия манбалари: қуёш панеллари, гелиоколлектор ва мини ГЭСлардан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирларни белгилаб олиш;

қуёш панеллари, гелиоколлектор ва мини ГЭСлардан самарали фойдаланиш масалаларини такомиллаштириш доирасида Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган аниқ тадбирлар юзасидан “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва назоратини олиб бориш;

ижтимоий соҳа ва давлат идоралари, тадбиркорлик субектлари обектлари, кўп қаватли уйлар, аҳоли хонадонларига қуёш панеллари, гелиоколлекторлар ва тежамкор иситиш қозонларини ўрнатиш, мини ГЭСларнинг обектдай ўрнатиш режасини тузиш;

мини ГЭСларни ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва татбиқ етиш ишларини амалга ошириш;

гелиоколлектор ва мини ГЭСлар ўрнатилганлиги ва улардан фойдаланиш самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда аниқ ҳисоботини юритиш бўйича ишлаб чиқилаётган янги ахборот тизими ишлаб чиқиш: Тошкент шаҳрида синовдан ўтказиш ҳамда ушбу ахборот тизимини “Яшил” энергия дастури билан интеграция қилиш.

Юқорида келтирилган тавсияларни амалга ошириш орқали “Яшил” энергиядан фойдаланишни ривожлантириш борасида Ўзбекистон божхонаси томонидан амалга оширилган ишлар самарадорлиги оширишга ҳамда улардан бошқа хорижий давлатлар ҳам услубий манба сифатида фойдаланиш имкониятлари кенгайишига еришиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. М.Пўлатов - и.ф.д., проф. Яшил иқтисодиёт - экологик барқарорлик сари муҳим одим. Электрон мақола.

2. С.М. Ибрагимова Яшил энергетика манбалари ва уларнинг аҳамияти. J.: Oriental Renaissance: Innivative, educational, natural and social sciences. 3/7, July, 2023.

3. А.Суюнов, Т.Пардаев, А.Шадманкулов. Божхона қиймати, дарслик, Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2016 й

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси маълумотлари.